O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 11 апрел сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 69 (2366)



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 10 апрел куни Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Президентининг махсус вакили Сергей Ястржембскийни қабул қилди.

Учрашувда меҳмон Ўзбекистон Президентига Россия Президенти вазифасини бажарувчи В.Путиннинг шахсий мактубини топширди.

Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик ва Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**СУРАТДА: қабул пайти. А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири — кучли давлатдан кучли жамият сари бориш ва пировардида адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборат. Фуқаролик жамиятининг таркибий қисми эса нодавлат ташкилотлар саналади. Истиқлол йилларида мамлакатимизда жамоат ташкилотлари изчил ривожланиши баробарида, уларнинг миқдори тобора кўпаймоқда. Бу, аввало, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганидан далолат. Бу — Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларга нисбатан халқнинг бефарқ эмаслигини кўрсатади. Бу — кишиларимиз демократик янгиланишлар бевосита уларнинг ўзларига боғлиқ, ўз тақдирларига дахлдор эканини теран англаётганликларининг ёрқин белгисидир. Нодавлат ташкилотлар сони ортиб бораётганининг яна бир сабаби шуки, мамлакатимизда ана шу тузилмалар мустақиллигини ҳуқуқий ва амалий жиҳатлардан таъминлайдиган муайян қонунчилик тизими юзага келди.

8 апрел куни парламент биносида бўлиб ўтган илмий-амалий семинар айни шу жабҳа — нодавлат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш йўлида тўпланган миллий ва хорижий тажрибалар муҳокамасига бағишланди. **«Нодавлат ташкилотлар бўйича қонунчилик: хорижий мамлакатлар тажрибаси»** деб номланган мазкур семинарда Олий Мажлис депутатлари, Адлия вазирлиги ва вилоятлар адлия бошқармаларининг вакиллари, хорижий экспертлар, халқаро ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар мутахассислари қатнашди.

Анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси, Олий Мажлис ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Нотижорат ҳуқуқ халқаро маркази (ICNL), ЮСАИДнинг «Глобал-Лойиҳа» Дастури ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ташкил этилди.

— Сўнгги йиллар ичида республикамизда нодавлат ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни ишлаб чиқишнинг ўзимизга хос услуби яратилди, — деди Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов семинарнинг очилиш маросимида. — Ўтган давр мобайнида мазкур йўналишда қарийб 20 та қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги ҳамда ёшлар масалалари бўйича давлат сиёсатини ҳуқуқий тартибга соладиган бир қанча қонунлар, шунингдек, Фуқаролик ҳамда Солиқ кодекслари шулар жумласидандир. Айни чоғда, мавжуд ҳужжатларни ҳозирги кун талаби асосида атрофлича ўрганиш, танқидий кўриб чиқиш заруратини вақт кўрсатмоқда. Яқин йилларда жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари ҳақидаги қонунларга муайян ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш, шунингдек, хайрия ташкилотлари, жамғармалар тўғрисида ва бошқа бир қанча тамомила янги қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш лозим бўлади.

Семинарда адлия вазирининг ўринбосари П.Саматов, амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти директорининг муовини М.Гасапов ва бошқалар нодавлат нотижорат ташкилотлар бўйича қонунларнинг аҳамияти ҳамда уларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар ҳақида сўзладилар.

Нотижорат ҳуқуқ халқаро маркази вакиллари Ричард Ремиас, Наталья Бурцева ҳамда Вадим Ни нодавлат ташкилотлар бўйича қонунчиликнинг халқаро андозалари, хусусан, Америка Қўшма Штатлари, Россия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар фаолиятини бошқариш жабҳасидаги мавжуд қонун ҳужжатлари, уларнинг мазмун-моҳияти билан анжуман қатнашчиларини яқиндан таништирдилар.

Ўзбекистоннинг нодавлат ташкилотлар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги миллий тажрибаси анжуман аҳлининг алоҳида диққатини жалб этди. Семинар иштирокчилари мамлакатимизда нодавлат ташкилотлар бўйича қонунчилик негизини янада такомиллаштириш йўлларини атрофлича муҳокама қилдилар.

## КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

Тошкентда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг учинчи қурултойи бўлиб ўтди. Унда делегатлар, касаба уюшмаларининг фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг қурултой қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов ўқиб эшиттирди.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнидаги асосий вазифалари ҳақида Федерация кенгаши раиси Д.Жаҳонгирова маъруза қилди.

Анжуманда касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоялаш, барча соҳаларда ўтказилаётган ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга ошираётгани таъкидлаб ўтилди. Касаба уюшмалари ижтимоий адолатни қарор топтириш, ижтимоий мадад ва нафақалар ҳақиқатда ҳам эҳтиёжмандларга берилишини таъминлаш ишига ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшмоқда. Жумладан, ўтган йилнинг биринчи ярмида аҳолининг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш учун 19 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. 16 ёшгача фарзанди бўлган бир миллион оила, 260 минг кам таъминланган оила, шунингдек, икки ёшгача боласи бўлган 540 минг нафар ишламайдиган она моддий мадад олди.

Ҳисобот даврида меҳнаткашлар ва улар фарзандларининг саломатлигини тиклаш, дам олишини янада яхшилаш борасида ҳам бир мунча ишлар қилинди. Хусусан, республикадаги санаторий ва дам олиш уйларида касаба уюшмалари томонидан ажратилган имтиёзли йўлланмалар билан 535 минг, санаторий-профилакторийларда эса 705 минг киши дам олди. Шунингдек, икки миллион нафар бола юртимизнинг сўлим масканларида ҳордиқ чиқарди.

Ўзбекистон касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлар касаба уюшмалари билан ўзаро алоқалари ҳам йил сайин кенгайиб, ривожланиб бормоқда. Айни пайтда жаҳоннинг элликдан зиёд касаба уюшмалари марказлари, жамоат бирлашмалари билан ҳамкорлик ўрнатилган. Улар орасида Германия, Япония, Дания, Хитой, Ҳиндистон каби давлатларнинг касаба уюшмалари бирлашмалари бор.

Қурултойда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги ҳаракат дастури, янги таҳрирдаги низоми қабул қилинди. Д.Жаҳонгирова яна Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси этиб сайланди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов сўзга чиқди.

**Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

*Мафкура майдонларида*

## ҚЎШҚАНОТ

**Оқсарой қароргоҳида ўтказилган миллий мафкурага бағишланган йиғилиш жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан бири – миллатнинг келажагини кўзлаган, унинг дунёдаги ўрнини белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғоя хусусида кечди. Зеро, бу мавзу шу озод Ватан фарзандиман деган ҳар бир фуқаронинг бугуни ва эртасига бевосита дахлдордир. Шу муносабат билан биз Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин ВОҲИДОВдан миллий мафкурага бағишланган мазкур йиғилишдан олган таассуротларини сўзлаб беришни сўрадик.**

– Оқсаройдаги бу суҳбат жуда юқори даражада бўлди. Қарийб тўрт соат давом этган йиғилиш барчамизга катта маънавий озуқа бериш билан бирга, зиммамизга улкан вазифалар ҳам юклади.

Негаки, унда мустақилликка эришганимиздан кейинги миллий мафкурамиз ҳақида барча ишларимизнинг мағзи айтилди. Барча соҳада – адабиёт, журналистика, таълим-тарбия каби йўналишлар бўйича қилинажак ишларимиз янада ойдинлашди. Муносабат билдирилмаган бирор соҳа қолмади ҳисоб.

Аслида дунёдаги энг қийин иш – инсон мафкурасини ўзгартириш. Бу ўнлаб йиллар ичида амалга ошадиган вазифадир. Аммо истиқлол даврида миллий мафкура бўйича анча ишлар қилинди. Энг асосийси, одамларнинг фикри, тафаккури, дунёқараши ўзгарди. Одамларда миллий ифтихор туйғуси шаклланмоқда.

Мен эркин ва фаровон ҳаёт қуриш борасидаги интилишларимизда биз учун руҳий-маънавий куч-қувват манбаи ҳисобланмиш миллий ғоя ва миллий мафкура масаласи бевосита Юртбошимиз диққат марказида бўлганидан хурсандман. Чунки мустақилликгача бизда миллий ғурур ҳақида рўйирост айтиш имконияти бўлмаган. Яратганга шукроналар айтамизки, бугун биз эмин-эркин ижод қилишга эришдик, адибу шоирларимизнинг ижоди келажак авлодни янги руҳда тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ўтмишини билган одамгина шу Ватанга муносиб фарзанд бўлаолади. Худога минг қатла шукурки, бизнинг аждодларимиз даҳоси мағрибу машриқдаги минг йилликларни безади ва уларнинг таълимоти бани башарият йўлларини ҳамон ойдинлаштириб турибди.

Минг таассуфлар бўлсинким, тарихнинг муайян даврида шўролар мафкураси шууримизда доғ қолдирди, миллий ғууримизни поймол этди. Шу боис яқин ўтмишда миллий ғурур ҳақида, аждодлар даҳоси ҳақида ёзиш мутлақо маън қилинган эди. Аниқроғи, тарихий мавзу биз учун қатағон этилган эди. Ёзилганларида ҳам ўтмишнинг қоронғи нуқталари ифодаланарди.

«Ўтган кунлар»даги муаллифнинг изоҳини эслайсизми? Ўтмишимизнинг энг оғир, кир нуқталарини ҳикоя қилмоқчимиз, дейишга мажбур бўлган. Аммо адибнинг маҳоратига таҳсинлар бўлсинким, у ўзбекнинг нурли сиймоларини чизди, фаришталик инсонларнинг қалбини очиб берди. Офтобойимдек, Кумуш ва Отабекдек беназир инсонларнинг сиймосини чизган Қодирий ўзига ўзи ҳукм қилди.

Дунёга одам бўлиб келсангу Ватаним деб айтадиган озод юртинг бўлса!

Шоир бўлиб дунёга келсангу кўнглингдаги гапни эркин айтишга имкониятинг бўлса!

Бильакс, инсон бўлиб туғилмаганинг, шоир бўлиб яралмаганинг яхши. Бизга тақдир миллий мафкура ғоясини яратиш имкониятини берди, Ватанга муҳаббат, халққа меҳр туйғусини юклади.

Президентимизнинг ўша кунги куйиб, куйиниб гапирган гаплари ҳали биз ўз имкониятларимиздан тўла фойдалана олмаётганимизни англашга ҳам изн берди.

Миллий мафкуранинг асосий мақсади – ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш. Комил инсон эса бу – озод, эркин фикр қилувчи киши. Озод юрт ўғлони озод бўлмоғи, мустақил мамлакат фарзанди мустақил бўлмоғи шарт. Бу – Юртбошимизнинг маърузаларидан ҳамда олдимизга қўйилган вазифалардан мантиқий келиб чиқадиган хулосадир.

Ватанимиз дастлабки қадамларидан бошлаб юксак уфқларни кўзлади. Дунёдаги энг тараққий этган мамлакатга айланиш, ҳар томонлама етук инсонларни тарбиялашга қодир жамият барпо этиш бизнинг асосий мўлжалимиз, асосий мақсад-манзилимиздир.

Юртимизнинг иқтисодий юксалиши асосида ҳам маънавий камолот силсиласи зоҳир. Аслида бу икки тушунча бир-бири билан узвий боғлиқ. Айтиш мумкинки, иқтисод ва мафкура юрт парвозини таъминлайдиган қудратли қўш қанотдир. Улар бир-бирининг қудратини таъминлайдиган, бир-бирига куч берадиган, бир бутунликни ташкил этувчи омиллардир.

Юртим келажагини ўйлаб бугун менинг қалбим ғурур ва ифтихорга тўлади. Келажакнинг шоирларига ҳавас билан қарайман. Шундай дамларда менинг йигитлик кезларим ўтган мафкуравий қатағон даври ҳам, баъзи бир турмуш ташвишлари ҳам унут бўлади. Баҳорий иликлигу наҳорий тиниқлик вужудимни қамраб олади. Ва шундай кунлар учун, Ватанимнинг нурли келажаги, халқимизнинг фаровон оянда (истиқболи)си учун бугун биз тинмасдан ишлашимиз лозимлигини ҳис қиламан. Ва бу меҳнат менга буюк саодат ва туганмас фароғат бўлиб туюлади.

**Э. БОЛИЕВ ёзиб олди.**

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

Оролбўйи ҳудудидаги барча овул ва шаҳарларда Қорақалпоғистон Республикаси Конституцияси куни кенг нишонланди. Шу муносабат билан Нукусда жамоатчилик вакилларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари 1993 йил 9 апрел куни Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши Ўзбекистон мустақиллигининг шарофати эканлигини таъкидладилар.

Тантанали йиғилишда фан, маданият ва ишлаб чиқариш илғорларидан катта бир гуруҳига Қорақалпоғистон Республикасининг давлат мукофотлари топширилди. Жўқорғи Кенгес Раиси Т.Камолов мукофотланганларни қизғин табриклаб, уларнинг келгуси ишларига зафарлар тилади.

**А. ИСКАНДАРОВ, ЎзА мухбири**

## КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ВА ЗАМОН

Тошкентда касб-ҳунар таълими бўйича давлат таълими стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бошланди. Уни Ўзбекистон Махсус касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти ҳамда Европа таълим жамғармаси ташкил этган.

Анжуманда Буюк Британия, Германия, Франция, Финляндия каби Европа мамлакатлари, шунингдек, МДҲ мамлакатлари ҳамда Мўғулистондан вакиллар иштирок этмоқда.

Таълим соҳасини такомиллаштириш барча мамлакатларда ҳам бирдек муҳим бўлган долзарб масаладир. Ёш авлодни ўқитиш, ҳунар ўргатиш, меҳнат бозорига тайёрлаш мамлакат тараққиётини белгиловчи асосий мезонларидан. Бу соҳага мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Янги-янги мактаблар, ёшларни фойдали касбларга йўналтириш мақсадида коллежлар, академик лицейлар очиляпти. Улар энг замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланмоқда. Ҳозирги кунда республикамиз ялпи ички даромадининг қарийб 10 фоизи таълим соҳасига ажратилмоқда.

Гарчи ёшларга таълим бериш, уларга ҳунар ўргатишда ҳар бир давлат ўз миллий анъаналари ва маҳаллий шарт-шароитга таяниб иш юритса-да, бу хайрли ишдан кўзланган мақсад барча давлатларда бир хил. У ҳам бўлса, ёшларни жамият тараққиётида фаол иштирок этишга тайёрлаш, етук ва баркамол инсон сифатида шакллантиришдир. Пойтахтдаги анжуманда кўрилаётган масала эса касб-ҳунар таълимини халқаро миқёсда мувофиқлаштириш, унинг маҳаллий ва халқаро меҳнат бозори талабларига мос ягона стандартларини яратишдир. Чунки, дунёда интеграциялашув жараёни жадал кечмоқда. Ҳозирги ёшлар ҳунар ўрганар экан, нафақат Ўзбекистонда, балки дунёнинг исталган мамлакатида ўз касби бўйича бемалол фаолият кўрсата оладиган бўлиши керак.

Анжуман иштирокчилари уч кун давомида касб-ҳунар таълими масалаларида МДҲ мамлакатларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маърузалар тинглайди. Европа таълим жамғармаси экспертлари билан бўладиган мулоқотларда ўзаро фикрлашади, шунингдек, "Евростандарт" услублари ҳамда касб-ҳунар таълими соҳасида Франция тажрибалари билан танишади. Анжуман дастури бўйича тадбирнинг учинчи куни Ўзбекистонга бағишланган. Шу куни анжуман иштирокчилари Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими тизими билан яқиндан танишади, коллеж ва лицейларни бориб кўради.

**(ЎзА).**

## РЕСПУБЛИКА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида Республика Пул-кредит сиёсати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мазкур Комиссия аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари иштирок этди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси – мазкур комиссия раиси Ф.Муллажонов бошқарди.**

Мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг пул муомаласини барқарорлаштириш, нақд пул муомаласини тўғри ташкил этиш ҳамда уни тартибга солишга доир қарорлари, шунингдек, "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг ижро этилиши, корхоналарда хорижий валюта тушумлари аҳволи ҳамда комиссия ваколатига кирувчи бошқа масалалар муҳокама этилди.

2000 йилнинг биринчи чорагида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб этиш кўрсаткичлари мамлакат миқёсида кўзда тутилган даражадан анча юқори бўлди. Ушбу даврда банклар кассаларига 14,6 миллиард сўм ёки 8,8 фоиз кўп нақд пул келиб тушди.

Муомалага нақд пул чиқариш ҳажми Андижон вилоятидан ташқари қолган барча ҳудудларда кўзда тутилган даражадан паст бўлди. Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида эса муомаладан нақд пул олишга эришилди.

Шу билан бирга мажлисда Андижон, Бухоро, Наманган ва Фарғона вилоятларининг айрим шаҳар ва туманларида нақд пул маблағларини банк кассаларига жалб қилиш ҳамда муомалага нақд пул чиқариш ҳажми уддаланмаганлиги кескин танқид қилинди. Хусусан, Андижон, Асака, Бухоро, Наманган шаҳарларида ва Наманган туманида ҳамда Қўқон шаҳрида мазкур кўрсаткичлар уддаланмади. Ушбу масала юзасидан мазкур ҳудудлар пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Улар агарда бу кўрсаткичлар келгуси ойда ҳам бажарилмаса, мазкур раҳбарларнинг жавобгарлигини кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифлар Вазирлар Маҳкамасига киритилиши тўғрисида огоҳлантирилди. Ушбу раҳбарлар зиммасига апрел ойи кўрсаткичларини бажаришда жорий йилнинг 1-чорагида йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олиш ва қўйилган вазифани бажариш учун мавжуд барча имкониятларни ишга солиш вазифаси юклатилди.

Комиссия мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 1999 йил 17 ноябрдаги 50-сонли қарорининг ижро этилиши аҳволи ҳам муҳокама қилинди. Мазкур масала юзасидан ҳудудий пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди. Хусусан, пенсия ва нафақалар ҳамда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари ойма-ой ўз вақтида тўлаб борилаётганлиги ва бу борада узилишларга йўл қўйилмаётганлиги қайд этилди. Шу билан бирга айрим хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ушбу корхоналар раҳбарларининг айби билан иш ҳақи тўловларида асоссиз узилишларга йўл қўйилаётганлиги айтиб ўтилди. Ҳудудий Пул-кредит сиёсати комиссиялари раҳбарлари зиммасига бу борадаги камчиликларни бартараф этиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклатилди.

Мажлисда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА).**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қурилиш ва саноат қурилиш материаллари мажмуи тизимидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари, юридик хизмат ходимлари иштирокида шартномавий муносабатларга бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Унда мажмуа таркибига кирувчи корхоналарда шартномалар тузиш ва ижросини таъминлашнинг аҳволи муҳокама этилди.**

## ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ – ДАВР ТАЛАБИ

Семинарда кейинги йилларда мажмуа тизимидаги корхоналарда шартномавий муносабатларни қонун асосида ташкил этиш, ижросини ўз вақтида таъминлаш ва бу борада ҳуқуқшуносларнинг мавқеини оширишга катта аҳамият берилаётганини таъкидланди. Шу билан бирга бу борада ҳали қатор камчиликлар мавжуд. Хусусан, мажмуа тизимидаги корхоналарда расмиятчилик ва ҳуқуқий чаласаводлик, шартнома интизомини бузиш ҳоллари ҳамон учраётганлиги қайд этилди.

Шартномалар ижросини ўз вақтида таъминлаш иқтисодий ислоҳотларимиз чуқурлаштирилишининг муҳим кафолатидир. Шундай экан, бу борада талабчанликни ошириш, малакали юристларни жалб этиш зарур. Анжуманда хўжалик юритувчи субъектларни, энг аввало, уларнинг мансабдор шахсларини шартнома интизомини бузганлиги учун жавобгарликка тортиш бўйича қонунчиликда белгиланган чораларнинг қўлланиши устидан назоратни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

**(ЎзА).**

